

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ (ФИҚҲ)ГА ОИД ТЕРМИНЛАР ВА УЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАСИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14643574>

Ю.ф.н. Бузахро БЕГМАТОВА,

ТДШУ доценти, Тошкент, Ўзбекистон

Салоҳиддин ҚУРБОНОВ,

ТДШУ таянч докторанти, Тошкент, Ўзбекистон

Тел: +998 93 258 32 01 qurbansalah@gmail.com

Аннотация. Ушбу тезисда ислом ҳуқуқи терминларини таржима қилиш масаласи ҳамда соҳанинг бугунги кун лексикологик, таржимашунослик масалалари ёритилган. Соҳанинг асосли манба ва адабиётларига таяниб керакли мисоллар ва уларни Ўзбек тилига таржима қилиш масаласи таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ислом ҳуқуқи, фиқҳ, терминология, таржимашунослик, терминлар таржимаси.

Аннотация. В данной статье-дипломной работе освещены вопросы перевода терминов исламского права и современные лексикологические и переводческие вопросы этой области. На основе соответствующих источников и литературы данной области проанализированы необходимые примеры и вопрос их перевода на узбекский язык.

Ключевые слова: исламское право, юриспруденция, терминология, переводоведение, перевод терминов.

Annotation. In this thesis, the issue of translation of the terms of Islamic law and today's lexicological and translational issues of the field are covered. Based on the relevant sources and literature of the field, necessary examples and the issue of their translation into the Uzbek language were analyzed.

Key words: Islamic law, jurisprudence, terminology, translation studies, translation of terms.

Шариат, деганда кўпчилик инсонлар мусулмонча турмуш тарзини, шу турмушнинг барча нормаларини, яъни диний, ахлоқий, юридик, маиший ва бошқа одатларни ўз ичига олган хулқ-атвор қоидалари сифатидаги маълум нормаларни тушунадилар. Лекин Қуръон ва Суннатда мусулмонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгиловчи муайян қоидалар кўп эмас. Шу сабаб кўплаб ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларни диний ақидаларга мослаштириш ва янги

ривожланиб бораётган жамиятдаги муносабатларни ислом таълимоти қоидалари асосида тартибга солиш эҳтиёжи фикҳ илмининг шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. VIII аср охири IX асрнинг биринчи ярмига келиб, ҳуқуқшуносликнинг ўз тушунчалари, ўзига хос тили ва услуби шаклланди [1,124].

Бу фаннинг алоҳида фан сифатида шаклланишига ислом оламининг кенгайиши, фатҳ этилган ўлкалар сонининг жадал суръатда ўсиши, турли миллатларнинг ислом динини қабул қилиши каби омиллар сабаб бўлган. Тахминан X асрларга келиб фикҳ-ҳуқуқшунослик фани диний илмлар сирасига кирувчи мустақил фан сифатида узил-кесил таркиб топди. VII асрда бошланган фатҳ юришлари натижасида араб халқлари забт этилган мамлакатларнинг маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлди. Бу даврда ислом маданиятининг кенг оммага тарқалиши қанчалик шиддат билан амалга ошган бўлса, янги терминларга бўлган эҳтиёж шу қадар кучайди. Бу жараён билан боғлиқ ҳолда, ўзга тиллардан араб тилига ўзлашган ёки араблар томонидан илк маротаба истеъмолга киритилган сўзлар миқдори ҳам ортиб борди. Шунингдек, ислом дини ва маданиятининг ривожланиши янгидан-янги фан соҳаларининг вужудга келишига ҳам сабаб бўлди. Шу фан соҳалари ичида диншунослик таркибига кирувчи ҳуқуқшунослик “фикҳ илми” номи билан мустақил фан сифатида шаклланди. Фикҳ илмининг ривожланиши унга оид янги терминларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бизга маълумки, араб тилида бир сўз бир неча маъноларда қўлланилади, шу сабаб ислом ҳуқуқига оид терминларга таъриф берилаётганда, мана шу сўз асли қайси ўзакдан олинган, у луғатда қандай маънони англатади-ю, истилоҳда қандай ишлатилади ва ҳатто, бу термин нима сабабдан шу маънода қўлланилаётганлигига ҳам шарҳ бериб кетилади. Масалан, “фикҳ” терминининг ўзини оладиган бўлсак, унга шундай таъриф берилган: “Фикҳ” сўзи **فقه** ўзагидан олинган бўлиб, луғатда “англамоқ”, “тушунмоқ”, “фаҳмламоқ” каби маъноларни англатади. Шариат истилоҳида эса “**الفقه**” “ал-фикҳ” “ислом ҳуқуқи” деб юритилади [1,126].

Ислом ҳуқуқига оид деярли барча манбаларда бирор мавзу тушунтирилишдан олдин унга оид терминларга юқорида айтиб ўтилган тартибда шарҳ бериб кетилади. Масалан, биз кўриб ўтган ислом ҳуқуқига оид манбалар Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафийнинг “Тилбатут-толабати фил-истилоҳатил-фикҳия” номли асари, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” номли асари ҳам худди шу тартибда ёзилган.

Қуйида фикҳ илми доирасида ўрганиладиган масалаларни “**طلبة الطلبة في الإصطلاحات القهية**” асарига таянган ҳолда келтирамиз. Кўринадаки, араб тилидаги

сўз ўзбек тилида боб дея берилади. Бу ўша давр лескик-семантик қатлами ҳамда тасниф стилистикаси билан боғлиқ.

1. كتاب الطهارة - Таҳорат боби;
2. كتاب الصلاة – Намоз боби;
3. كتاب الصيام – Рўза боби;
4. كتاب الزكاة - Закат боби;
5. كتاب النكاح - Никоҳ боби;
6. كتاب الطلاق – Талоқ боби;
7. كتاب الرضاع – Эмизиш боби;
8. كتاب العتاق – Май, шароб боби;
9. كتاب الولاء – Қариндошлик боби;
10. كتاب الإيمان – Имон боби
11. كتاب حدود –Чегара боби;
12. كتاب السرقة – Ўғрилиқ боби;
13. كتاب السير – Ахлоқ боби;
14. كتاب الإستحسان – Бир нарсани яхши, шариатга зид эмас деб ҳисоблаш боби;
15. كتاب اللقيط – Ташлаб кетилган болалар боби;
16. كتاب الإتيان – Қочоқлар боби;
17. كتاب المفقود – Йўқотилган нарсалар боби;
18. كتاب الوديعة – Омонатлар боби;
19. كتاب العارية – Қарзлар боби; [2]
20. كتاب الشراكة – Шериклик боби;
21. كتاب الصيد – Ов боби;
22. كتاب الذبائح – Гўшти ҳалол ҳайвонларни сўйиш боби;
23. كتاب الأضاحي – Қурбонлик боби;
24. كتاب الوقف – Вақф боби;
25. كتاب الهبة – Садақа боби;
26. كتاب البيع – Савдо боби;
27. كتاب الصرف – Молиявий ишлар боби;
28. كتاب الإجازات – Расмиятчиликлар боби;
29. كتاب أدب القاضي – Судялик одоблари боби;
30. كتاب الشهادات – Гувоҳлик боби;
31. كتاب الاستحسان - Бир нарсани яхши, шариатга зид эмас дейиш.
32. كتاب الدعوى – Даъват ёки чақириш боби;
33. كتاب الاقرار – Иқрор бўлиш, тан олиш боби;
34. كتاب الوكالة – Ваколат, василлик боби;
35. كتاب الصلح – Сулҳ боби;

36. كتاب الرهن – Рақобат боби;
37. كتاب المزارعة – Дехқончилик боби;
38. كتاب الشرب – Сув эгалари боби;
39. كتاب الأشرية – Ичимликлар боби;
40. كتاب الإكراه – Макруҳотлар боби.

Юқорида келтирганларимизнинг барчаси ислом ҳуқуқига оид фикҳий масалалар, яъни замонавий термин билан айтадиган бўлсак ислом ҳуқуқи институтларидир. Мазкур умум мазмунга эга мавзулаштирилган терминларни таҳлил қилсак, улар одатда изофий бирикма шаклида берилади. Энди “фикҳий масала” терминининг ўзига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўзбек тилига ўгирилган баъзи манбаларда улар асл араб тилидаги каби “масала” тарзида, транслитерация усулида берилса, баъзиларида “фикҳий институт” деб “масала” терминини ўрнини босувчи “институт” термини орқали берилган. Бундан шуни англашимиз мумкинки она тилимизда ҳар икки кўриниш ҳам ишлатилар экан.

“Фикҳий масала”ни “ислом ҳуқуқи институти” дея таржима қилган муаллифлар, асрларининг аввалида европа ҳуқуқшунослари мана шу терминни ишлатишни қабул қилганлари учун биз ҳам уни танладик, деб изоҳ бериб кетганларининг гувоҳи бўлдик. Фикҳий масалалар номларининг таржимаси ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг берилишида ҳам икки хиллик мавжуд. Масалан замонавий, дунёвий йўналишда таълим олган муаллифлар фикҳий асарлар таржимасида ёки фикҳ илми ҳақида маълумот бераётганларида иложи борица терминларни европа тилидан кириб келган шаклини ишлатганлар. Шарҳланаётган термин ёки тушунчани бундай шакли бўлмаса уни араб тилидан ўзбек тилига ўзлашиб кетган эквивалентини келтирганлар. Масалан: “Никоҳ, ажралиш, қариндошлик, савдо-сотик, оилани моддий таъминлаш, болалар тарбияси бўйича мажбуриятлар, қонун бўйича ворислик, ҳуқуқий лаёқатликни чеклаш, васийлик ва ҳомийлик ва ҳоказолар мазкур ҳуқуқнинг институтларидир” [4,584]. Юқорида келтирилган парчадан шуни айтишимиз мумкинки, бу ерда фикҳий масалалар номларини ўзбек тилида беришда “никоҳ”, “васийлик” каби ҳам транслитерация усулидан фойдаланган ҳолда, ҳам она тилимизда мавжуд, “ажралиш” (талок сўзининг таржимаси), “қариндошлик” (валаъун сўзининг таржимаси), “савдо-сотик” (китобу-л-байъ сўзининг таржимаси) каби бу сўзларнинг таржимаси орқали берилганининг гувоҳи бўламиз. Тиллар орасидаги тафовут одатда бир халқ моддий ҳаётида мавжуд муайян тушунчалар, воқеа-ҳодисалар, урф-одатларнинг иккинчи халқ турмуш тарзида учрамаслиги, шу туфайли улар номларининг ҳам айна халқ тилида табиий равишда йўқлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, луғавий эквивалентлик муносабатида бўлган айрим икки тил жуфтликлари бир-

бирларидан бирор хусусиятлари билан ўзига хос равишда фарқ қилишлари мумкин. Бу ҳол тил бирликларининг миллий хусусиятини белгилаш барабариди уларнинг таржимада ўзаро алмашинувларига тўсқинлик қилади [4,585].

Бироқ, айтиб ўтишимиз мумкинки, араб халқлари билан халқимизни бирига яқинлаштириб турадиган жиҳатлар ҳам талайгина. Бу ҳар икки миллат вакиллариининг эътиқод қиладиган динларининг бирлиги билан изоҳланади. Чунки халқимиздаги жуда кўп урф-одатлар, маросимлар диний тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, бу ушбу масалаларнинг кўпчилигида ҳар икки миллатнинг муштараклигидан дарак беради. Биз кўриб ўтган асар таржимасида худди шу нарсанинг гувоҳи бўлишимиз мумкин, яъни баъзи терминлар таржимаси “Талок боби - كتاب الطلاق”, “Закот боби - كتاب الزكاة” каби араб тилидан ўзбек тилига кириб, ўзбек китобхони учун ҳам тушунарли бўлган вариантларда берилганидир. Агар фикҳий терминнинг ҳар икки миллат учун муштарак бўлган шакли бўлмаса, у “китабус-салот-كتاب الصلاة- Намоз боби, китабу-с-сиям كتاب الصيام – “Рўза боби” тарзида таржима қилиниб ўзбек тилидаги муқобили орқали берилган. Юқоридаги баъзи терминлар яна замонавий терминлар орқали ҳам таржимада берилиши мумкин экан. Масалан, талок масаласини замонавий тилда оладиган бўлсак у ажралиш институти тарзида таржима қилинар экан. Демак, айрим фикҳий терминларни ишлатилиш ўрнига кўра ҳар икки услубда ҳам берса бўлар экан. Кўриб турганимиздек таржима таржимондан жуда катта маҳоратни талаб қилар экан. Таржимада сўз топиш, ўз жойига қўя билиш жуда муҳим иш. Агар бир сўз ёки ибора, боринки, қандайдир бир грамматик қўшимча ҳам ўз ўрнига тушмаса ёхуд сал ясамароқ чиқиб қолса, бутун асарнинг тароватига путур етиши ҳеч гап эмас [5]. Бу эса таржимон зиммасидаги маъсулиятнинг қанчалик катта ва оғирлигини кўрсатади. Зеро таржима тил биладиган ҳар қандай киши шуғулланиб кетаверадиган иш эмас, унинг ўз талаблари, қоидалари, нозикликлари, қийинчиликлари, мураккабликлари мавжудки, уларни мувоффақиятли ҳал қилиб, мукаммал таржима яратишнинг ўзи бўлмайди [6]. Баъзи терминлар, хос сўзларни она тилига ўгиришда аввало, уларнинг муайян контекстларда ўтаб келаётган ахборий ва услубий вазифаларини аниқлаш, сўнгра таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айти пайтда шу тил маъёри ва маданияти даражасидаги лисоний воситалар танлаш зарурати туғилади. Шунингдек терминларни ифода этадиган баъзи махсус сўз ва сўз бирикмаларининг айримлари аслият мансуб бўлган тилдан ташқари яна қатор халқлар лафзларида учраши, жумладан, таржима тили луғат заҳирасининг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар худуд, турмуш шароити бир-бирларига яқин, доимий муносабат ва мулоқатда бўлиб

турадиган халқлар лафзларида кўпроқ учрайди. Бу таржимонни амалий қийинчиликлардан халос этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- [1] – Раҳмонов А. Ислом ҳуқуқи. –Т.: Адолат, 2007. – Б.124.
- [2] – Бегматова Б. Шарқшунослик масалалари илмий мақолалар тўплами. Ислом ҳуқуқига оид терминларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари. –Т., 2009. – Б.51-52
- [3] – Бурҳониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. I жилд. (Салоҳиддин Муҳиддин раҳ.даги таржимонлар гуруҳи). –Т.: Адолат, 2000. – Б.24.
- [4] – Каримов , З.Ғаффоров. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. –Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б .584.
- [5] – Саломов Ғ., Комилов Н. Жаҳонгашта ривоятлар // Таржима санъати (мақолалар тўплами). 3-китоб. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1976. – Б.130.
- [6] – Очилов Э. //Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги (Мақолалар тўплами). –Т., 2013. – Б.41.